

Мавзу	2A135 модели вертикал пармалаш станогининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш
-------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машгулот вақти - 2 соат</i>	Талабалар сони: 30 – 60 гача
<i>Машгулот шакли</i>	Лаборатория машғулоти
<i>Лаборатория машғулоти режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. 2A135 модели пармалаш станогининг тузилиши ва пармалашда кесиш режимлари 2. Пармалашда ишлатиладиган парма турлари 3. Парма конструкцияси ва геометрияси
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда пармалаш станогининг тузилиши, пармалашда кесиш режимлари ва пармалашда ишлатиладиган парма турлари тўғрисида тушунчаларни шакллантириш.	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 2A135 модели пармалаш станогининг тузилиши ва пармалашда кесиш режимлари тўғрисида умумий тушунча бериш. • Пармалашда ишлатиладиган парма турлари тўғрисида маълумот бериш. • Парма конструкцияси ва геометрияси тўғрисида умумий тушунча бериш. 	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 2A135 модели пармалаш станогининг тузилиши ва пармалашда кесиш режимлари тўғрисида умумий тушунчалар оладилар. • Пармалашда ишлатиладиган парма турлари ҳақида маълумот оладилар. • Парма конструкцияси ва геометрияси тўғрисида умумий маълумот оладилар.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали лаборатория машғулоти, суҳбат, «Кластер» методи
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. «2A135 модели вертикал пармалаш станогининг тузилиши, бажариладиган ишлар ва кинематик схемасини ўрганиш» лаборатория машғулоти машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун такдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш <i>(10 дақиқа)</i>	1.1. Машғулот мавзуси ва режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Мавзуга оид адабиётлар рўйхатини тавсия этади ва лаборатория машғулоти бўйича баҳолаш мезонлари тушунтиради. (2-илова).	Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.
2-босқич Асосий босқич <i>(60 дақиқа)</i>	2.1. 2A135 модели пармалаш станогининг тузилиши ва пармалашда кесиш режимларини Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш орқали тушунтириб беради (3-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.2. Пармалашда ишлатиладиган парма турларини ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради. (4-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.3. Парма конструкцияси ва геометрияси тўғрисида маълумотлар беради. (5-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. «Кластер» методидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб такдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (6-илова)	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Якуний босқич <i>(10 дақиқа)</i>	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун «Фрезерлаш жараёнининг моҳияти» мавзусини такдим этади ва ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.